**2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили**


№8 (861)
2025 йил 4 февраль, сешанба

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.







## ЯНГИҲАЁТ – пойтахтнинг энг гўзал туманларидан бири бўлади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан, Самарқанд вилояти ҳудудида 2023 – 2030 йилларда замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш дирекциясини ташкил этиш ишлари режалаштирилган.*

**Сайфиддин НАРЗИҚУЛОВ,**
Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят бош архитектори.

3

*ТЕНДЕР на строительство ДОУ в МСГ «Узумзор» Багатского района Хорезмской области*

4

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

# УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ТУРАР ВА НОТУРАР ЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА ҚУРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши соҳасини уй-жойларни лойиҳалаштиришдан тортиб, фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларда комплекс тартибга солиш, уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Марказий банк ҳамда Адлия вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли”** тамойилини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

турар ва нотурар жой объектларини (кейинги ўринларда – объект) улуш киритиш асосида қуриш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда – улушдор) ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

мавжуд ер ресурсларидан самарали (интенсив) фойдаланган ҳолда уй-жойлар қурилишини ташкил қилиш;

уй-жой қурилиши соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини қисқартириш;

уй-жойларни улуш киритиш ва ипотека кредити асосида сотиб олишнинг **ишончли ва самарали** имкониятини яратиш;

уй-жойлар қурилишида **энергия самарадор** қурилиш материалларидан фойдаланишни оммалаштириш.

**2. “Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли”** тамойили доирасида объектларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнида улушдорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, **2025 йил 1 июлдан бошлаб:**

**а)** объектларни қуришда қурилиш-пудрат ташкилотлари, девелоперлар ва буюртмачилар (кейинги ўринларда – қурувчи) томонидан улушдорларнинг пул маблағларини қурилишга улуш киритиш асосида жалб қилиш фақат нотариал тасдиқланган ва кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилган **объект қурилишида улуш киритиш асосида иштирок этиш шартномаси** (кейинги ўринларда – улушли шартнома) бўйича амалга оширилади;

**б)** улушли шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб томонлар биргаликда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиши учун рухсатнома берилгунга қадар:

улушли шартнома бўйича **улушдорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказишга ва улушли шартномани гаров предмети сифатида қабул қилишга** рухсат берилади ва кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилади;

улушли шартномага асосланган мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар **улушдорнинг мероси таркибига киради;**

**в)** улушли шартнома бўйича маблағлар улушдор томонидан ваколатли тижорат банкида (кейинги ўринларда – тижорат банки) қурувчи, улушдор ва тегишли тижорат банки ўртасида тузиладиган шартнома асосида очилган **“эскроу” ҳисобварағига** уларнинг ҳисобини юритиш учун жойлаштирилади ва депонентланади;

**г)** улушдорларнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари ва қурувчининг мажбуриятлари юзасидан “эскроу” ҳисобварағи бўйича **операцияларни тўхтатиб туриш, маблағларни хатлаш ёки ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди;**

**д)** объектни қуриш ишларини молиялаштириш қурувчининг ўз маблағлари, тижорат банклари томонидан лойиҳавий молиялаштириш орқали ажратиладиган кредит маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

**е) биринчи босқичда** қурувчи томонидан объектни қуриш ишлари умумий ҳажмининг камида **30 фоизи ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилгандан сўнг тижорат банки томонидан қурувчига мақсадли кредит ажратиш тизими йўлга қўйилади;**

**ж)** тижорат банклари томонидан қурувчиларга лойиҳавий молиялаштириш орқали ажратиладиган кредитларнинг **йиллик фоиз ставкаси “эскроу” ҳисобварағида жамланган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади.** Бунда “эскроу” ҳисобварағида маблағлар кўпайиши натижасида кредит фоиз ставкасини пасайтириб бориш тизими йўлга қўйилади;

**з)** улушли шартномага асосан қурилган ва қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома берилгандан сўнг:

“эскроу” ҳисобварағида депонентланган маблағлар тижорат банки томонидан қурувчининг қурилиш учун ажратилган кредитини сўндириш учун йўналтирилади ва қолган қисми қурувчига ўтказиб берилади;

қурувчи ва улушдор томонидан улушли қурилиш объектини улушдорга топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланади;

улушдорнинг объектга бўлган мулк ҳуқуқи кадастр органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади;

▶ 2-бет

*Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида*

## Вазир – Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раиси

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидоятов Ўзбекистон оғир атлетика федерациясига раис бўлди.**

Миллий олимпия қўмитасида Ўзбекистон оғир атлетика федерациясининг 2024 йил якунлари, 2025 йилги режаларга бағишланган ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Шерзод Хидоятов мамлакатимиз оғир атлетика федерацияси раиси этиб сайланди.

## Ўқув семинар ўтказилди

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга доир қарор мазмун-моҳияти, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан вазирликда ўқув семинар ўтказилди.**



Дастлаб вазир ўринбосари Озода Жўраева тегишли қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш юзасидан вазирликда қатъий тизим жорий этилгани ва бу борада бажарилган ишлар хусусида сўз юритди.

Таъкидланишича, 2024 йилда вазирликнинг https://ijro.gov.uz назорат тизимида жами 2 502 та топшириқ ижроси таъминланди. Мазкур вазифалар ижросини муддатидан олдин, сифатли тарзда таъминлаш борасидаги чоралар янада кучайтирилмоқда. Шунингдек, семинарда Адлия вазирлигининг Президент ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармаси масъули Иқболжон Абдуллаев 2024 йилдаги асосий кўрсаткичлар, топшириқларнинг ижро динамикаси, тизимли муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

Вазирликнинг Ижро назорати бўлими бошлиғи Вагиф Мамедов тизимни тартибга солишда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди. Хусусан давлат раҳбарининг топшириқлари ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида вазирликнинг топшириқлар ижросини кунлик ташкил этиш бўйича ҳар ойлик календар графиги ҳамда Йўл харитаси тасдиқланиб, кунбай ишлаш тизими жорий этилган. Вазир ўринбосарлари комплексларига ижро интизоми бўлимидан масъуллар бириктирилган бўлиб, ҳар ҳафтанинг жума куни вазир ўринбосарлари бошчилигида ҳамда ҳафтанинг душанба кунлари вазир раҳбарлигида давлат раҳбарининг топшириқлари ижро ҳолати юзасидан муҳокамалар ўтказилмоқда.

Семинар давомида ҳудудлардан ижро тизимига масъул мутасаддиларнинг ҳам савол ва таклифлари қабул қилинди.

## Ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида ўрганиш ишларини олиб борди

**Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларининг сифати, лойиҳа талабларига мувофиқлиги ҳамда ходимларнинг хавфсизлик меъёрларига риоя этиши юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиддин Эшқувватов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ишлари олиб борилди.**



Дастлаб, Шаҳрисабз тумани “Мираки” туристик зонасида қурилаётган оилавий турар жойлар, меҳмонхона ва ресторан биноларининг ҳолати ўрганилди. Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади – ҳудуднинг туристик салоҳиятини ошириш, ички ва ташқи дам олувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда замонавий инфратузилмани шакллантиришдан иборат.

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан объектларда давлат назорати ўрнатилган бўлиб, аниқланган камчиликлар бўйича қурилишнинг масъулларига ёзма кўрсатмалар берилган ҳамда уларнинг ижроси таъминланган.

Шунингдек, “Ҳисорак” сув омбори яқинида дор йўли, замонавий умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши ҳам ишчи гуруҳ томонидан ўрганилди. Мутахассислар қурилиш жараёнларида барча техник талаблар ва хавфсизлик меъёрларига қатъий риоя этилиши, шунингдек, қурилиш ишлари лойиҳа талаблари асосида сифатли ҳамда белгиланган муддатда бажарилиши юзасидан қурилиш ишларига масъул бўлган шахсларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар беришди.

Ишчи гуруҳ Қарши шаҳрида мониторинг ишларини давом эттирди. Жумладан, Наво маҳалласида бунёд этилаётган кўп қаватли уйнинг қурилиш жараёнлари мутахассислар томонидан ўрганилди. Қурилиш жараёни ҳақида очиқ ва аниқ маълумот тақдим этиш мақсадида объект ҳудудига ҚР-кодли паспортлар жойлаштирилган бўлиб, бу фуқаролар ҳамда тегишли мутасаддилар учун объект тўғрисида батафсил маълумот олиш имкониятини яратади. Бироқ ишчи гуруҳ томонидан қурилиш жараёнида бир қатор камчиликлар аниқлади. Хусусан, қурилиш майдонига сифатсиз темир-бетон плиталар олиб келинган, ишчиларнинг хавфсизлигига эътибор қаратилмаган. Бинонинг айрим ора-ажратма деворларида ғишт териш ишлари қурилиш меъёрий талаблари асосида бажарилмаган.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш бўйича қурилишнинг масъулларига аниқ топшириқлар белгилаб берилди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (861) 2025 йил 4 февраль

◀1-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ТУРАР ВА НОТУРАР ЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА ҚУРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**и)** объектнинг қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида тугалланмаган ва ундан фойдаланиш учун рухсатнома олинмаган тақдирда ҳар бир кечиккан кун учун алоҳида қатъий белгиланган жарималар жорий қилинади ва шартнома юзасидан муддатлар фақат **улушдорнинг розилигини олган ҳолда қўшимча шартнома тузиш орқали узайтирилади.** Бунда объект лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган муддатдан олти ой ўтгандан кейин фойдаланишга топширилган тақдирда, улушдор "эскроу" ҳисобварағидаги депонентланган маблағларни улушли шартномани бир томонлама бекор қилиш орқали қайтариб олиши мумкин;

**к)** қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатномаси мавжуд бўлмаган объект қурилишига улушдорларнинг маблағларини жалб қилиш учун турар ва нотурар жойни натурада олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозларни таклиф қилиш ва сотиш ҳамда мазкур Фармонда **белгиланган тартиб талабларига жавоб бермайдиган бошқа шартномаларни тузиш тақиқланади.**

**3.** Белгилансинки, қурилишга улушдорларнинг маблағларини жалб қилиш:

**2025 йил 1 июлдан 2025 йил 31 декабрга қадар** "эскроу" ҳисобварақлари орқали ҳамда ҳозирда амалда бўлган улушли иштирок этиш тартибида тўғридан-тўғри жалб қилиш механизми бўйича параллел равишда тарафларнинг танловига кўра амалга оширилади;

**2026 йил 1 январдан бошлаб фақат** "эскроу" ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

**4.** Марказий банк Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** улушли қурилишни лойиҳавий молиялаштирадиган ва "эскроу" ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга оширадиган тижорат банкларининг рўйхати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича мезонлар, "эскроу" ҳисобварағини юритиш ҳамда объектларни лойиҳавий молиялаштириш тартибини тасдиқласин.

**5.** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Марказий банк билан биргаликда **бир ой муддатда** объектларни лойиҳавий молиялаштириш, улушли шартномаларни тузиш ҳамда "эскроу" ҳисобварағи юритиш бўйича операцияларни амалга ошириш юзасидан тижорат банкларининг масъул ходимлари хорижда амалиёт ўташини ҳамда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда уларнинг малакасини оширишни ташкил этсин.

**6.** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими доирасида уй-жойлар қурилиши бўйича электрон платформа яратиб, **2025 йил 1 июлдан бошлаб** тўлиқ ишлашини таъминласин. Бунда белгилансинки:

**а)** қурилишга улушдорларнинг маблағларини жалб қилувчи қурувчи қурилиш ташкилоти ва объект ҳақидаги қуйидаги маълумотларни электрон платформага жойлаштириб боради:

ҳар бир қурилаётган объектнинг лойиҳа бўйича жойлашган аниқ манзили, қаватлари, кириш йўлаклари, хонадонлари ва нотурар жойлар сони ҳамда уларнинг майдони, туташ бўлган ҳудудлар, молиялаштирувчи тижорат банки, сотилган турар ва нотурар жойлар тўғрисидаги маълумотлар;

ягона маъмурий қурилиш регламентларидаги ҳужжатлар, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижобий экспертиза хулосаси, қурилиш бошланадиган сана ва фойдаланишга топшириш муддати, қурилиш ҳолати ва қонунчиликда талаб этилиши тақиқланмаган бошқа маълумотлар;

**б)** электрон платформага маълумотлари жойлаштирилмаган ва ушбу маълумотлар электрон платформадан кадастр органларига майдонлари кўрсатилган ҳолда бинонинг алоҳида реализация қилинадиган қисмлари тақдим этилмаган объектлар бўйича тузилган улушли шартномаларга нотариал ҳаракатлар амалга оширилмайди ҳамда бундай шартномалар давлат рўйхатидан ўтказилмайди;

**в)** маълумотларни электрон платформага жойлаштирмаган қурувчи **қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади;**

**г)** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги объект қурилишини рўйхатдан ўтказишда лойиҳа бўйича маълумотларни электрон платформага жойлаштиради ҳамда кадастр органлари, тижорат банклари ва нотариусларга мазкур маълумотларни текшириш имкониятини яратади;

**д)** харидорларга қурувчининг объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан рухсатномаси мавжудлигини, унинг рейтингини, олдинги лойиҳаларини, улушли қурилишдаги шартномавий интизомини, ўз вақтида фойдаланишга топшириш муддатларини **электрон платформа орқали текшириш имконияти яратилади;**

**е)** улуш киритиш асосидаги қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган ва рухсат берувчи ҳужжатлари расмийлаштирилган лойиҳалари доирасида:

объектлардаги хоналарнинг режалаштирилишига ўзгартириш киритиш, электрон платформада рўйхатга олингандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги **ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларига киритиш;**

кўп квартирали уйлар фойдаланишга топширилгунга қадар объектларнинг **лойиҳа ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ва уни шаҳарсозлик экспертизасига юбориш;**

қурилиш ишлари якунланмаган объектлар жойлашган ер участкаларини **бошқа шахсларга ўтказиш тақиқланади.**

**8.** Кадастр агентлиги Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2025 йил 1 июлга қадар** улушли шартнома бўйича талаб қилиш ва гаров ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказишни назарда тутган ҳолда улушли шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва солиқ органларига электрон кўринишда тақдим этиб бориш тизимини жорий этсин.

**9.** Объектларни улуш киритиш асосида қуриш, "эскроу" ҳисобварақларини юритиш ҳамда лойиҳавий қурилиш тартибини жорий этиш бўйича республика комиссияси **1-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

объектларни улуш киритиш асосида қуриш, "эскроу" ҳисобварақларини жорий этиш ҳамда уй-жойларнинг лойиҳавий қурилиши соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, уларни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

объектларни улуш киритиш асосида қуриш ва лойиҳавий қурилиш тизими бажарилишини таҳлил ва мониторинг қилиш, натижалари бўйича муаммоли масалаларни ечишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

жойларда татбиқ этиладиган лойиҳавий қурилишга биноан "эскроу" ҳисобварақларини юритиш ҳамда қурувчиларни тижорат банклари орқали кредитлаш механизмларининг ягона амалиёти қўлланишини таъминлаш;

улуш киритиш асосида қуриш ва лойиҳавий қурилишга мувофиқ айрим ҳудудларда уй-жойлар қурилишининг белгиланган муддатларда амалга оширилмаслиги сабабларини ўрганиш ва юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг уй-жойларни улуш киритиш асосида қуриш ва лойиҳавий қурилишни амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида **"Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли"** тамойилини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг жорий этилишини таъминлаш учун юридик шахс ташкил этмасдан, мутахассис ва экспертларни шартнома асосида жалб этиш ҳисобига **лойиҳа офиси** (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) ташкил этилсин.

**11.** Қуйидагилар:

Уй-жой қурилиши соҳасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар **2-иловага** мувофиқ;

Лойиҳа офиси фаолиятининг асосий йўналишлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**12.** Белгилаб қўйилсинки:

Лойиҳа офисининг штат бирликлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг амалдаги штатлари доирасида шакллантирилади;

Лойиҳа офиси уй-жой қурилиши соҳасини ривожлантириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа тегишли идораларга тақдим этиб боради;

уй-жой қурилиши билан боғлиқ масалаларда ишлаб чиқилаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Лойиҳа офиси билан келишилиши лозим.

Лойиҳа офиси 2025 йил 1 апрелга қадар **"Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли"** тамойилини тўлиқ ишга тушириш, шу жумладан, уй-жой қурилиши соҳасини комплекс ислоҳ қилиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни бартараф этиш ҳамда лойиҳавий молиялаштиришни жорий этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

**13.** Лойиҳа офисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Лойиҳа офиси фаолиятига бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда тегишли вазирлик ва идораларнинг, улар тизимидаги ташкилотларнинг, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш;

ҳудудий ташкилотлар, туманлар (шаҳарлар) ёки ҳудудлар мисолида ишлаб чиқилган лойиҳаларни тажриба синовдан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан зарур статистика, таҳлилий ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш;

маҳаллий ва хорижий мутахассислар, экспертлар, консультантлар ва маслаҳатчиларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилиш ва ишга қабул қилиш, уларнинг меҳнатига миллий ёки хорижий валютада, шу жумладан, маблағларни уларнинг хорижий ҳисобварақларига ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш.

**14.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ҳафта муддатда** Лойиҳа офиси тўғрисидаги низомни, шунингдек, унинг тузилмасини, штат бирликлари сонини, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини ва ходимларни моддий рағбатлантириш шартларини тасдиқласин.

**15.** Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги **2025 йил 1 мартга қадар** объект қурилишида қурувчилар томонидан мажбуриятларни бажармаслик хавфини суғурта қилиш бўйича мавжуд суғурта маҳсулотлари самарадорлигини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

**16.** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги ПҚ-4732-сон қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисидаги низомга мувофиқ, Улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчиларнинг электрон рўйхатига киритмаган ҳолда реклама қилинаётган объектларни аниқлаб, улар бўйича маълумотларни Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига тақдим этиб борсин.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси мазкур объектлар бўйича қурувчига белгиланган тартибда чоралар кўрилишини таъминлаб борсин.

**17.** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари "эскроу" тизими ишга тушишига қадар ноқонуний қурилишларни аниқлаш ва улар бўйича чора кўриш ҳамда улушдорлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш юзасидан ишларни кучайтирсин.

**18.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**19.** Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш ҳамда ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 январдаги ПФ-11-сон Фармонига
1-илова

## Объектларни улуш киритиш асосида қуриш, "эскроу" ҳисобварақларини юритиш ҳамда лойиҳавий қурилиш тартибини жорий этиш бўйича республика комиссияси ТАРКИБИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ж. А. Қўчқоров | – | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири, Республика комиссияси раиси |
| 2. | Т. А. Ишметов | – | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси, Республика комиссияси раиси ўринбосари |
| 3. | Ш. С. Хидоятов | – | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири, Республика комиссияси раиси ўринбосари |
| 4. | С. А. Садуллаев | – | Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| 5. | А. Н. Каримов | – | Адлия вазири ўринбосари |
| 6. | Ф. Ж. Пулатов | – | Кадастр агентлиги директори |
| 7. | М. М. Мирзаев | – | Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 8. | М. Б. Жуманиязов | – | Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудири |
| 9. | К. К. Ханнаров | – | Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси |
| 10. | Лавозими бўйича | – | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари |
| 11. | Ф.А. Инамов | – | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти директори, Республика комиссияси масъул котиби |

***Изоҳ.*** *Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасиги юклитилган шахслар киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 январдаги ПФ-11-сон Фармонига
3-илова

## Лойиҳа офиси фаолиятининг асосий йўналишлари

1. Уй-жой қурилиши соҳасини ислох, қилиш бўйича чора-тадбирлар ва истиқболли ташаббусларни ишлаб чиқиш.

2. Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, халқаро баҳолаш ташкилотлари ва консалтинг компаниялари томонидан тақдим этилган тавсияларни умумлаштириш ҳамда мақбул тавсияларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш.

3. Уй-жой қурилиши соҳасини ривожлантириш бўйича таклифларни шакллантириш, ушбу йўналишда мақбул ташаббусларнинг амалда қўлланилишини таъминлаш.

4. Етакчи экспертлар, консультантлар, жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва илғор хорижий тажриба асосида ушбу соҳада таклифлар тайёрлаш.

5. Уй-жой қурилиши соҳасини институционал таҳлил қилиш ва ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, давлат-хусусий шериклик асосида уй-жой қурилишини ривожлантириш, ижтимоий уй-жойлар қуришни ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

6. Хорижий экспертлар ва халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда уй-жой қурилиши соҳасини рақамлаштириш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш жараёнларига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш бўйича янги ташаббусларни ишлаб чиқиш.

# Соҳада шаффофлик таъминланмоқда



**Авазбек ИСАКДЖАНОВ,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи.

**Бугун водий вилоятлари орасида ўзгача табиати ва кўркам манзараси билан юртдошларимизни жалб қилиб келаётган Наманганда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари авж олган. Янги барпо этилган манзилларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз эса бугунги фаровон ҳаётидан мамнун бўлиб, саодатли кунларга шукрона айтишмоқда.**

Ҳудудда барпо этилаётган ҳар бир иншоотнинг сифатли, қурилиш норма ва қоидаларига мос ҳолда бўлиши ташкилотимиз мутахассисларининг аниқ ҳамда пухта ишлашига боғлиқ. Хусусан, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Наманган вилояти бошқармаси томонидан 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги "Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш" электрон платформаси орқали келиб тушган 1320 та объектнинг лойиҳасига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига 339,393 млрд сўм маблағни тежашга муваффақ бўлдик.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги "2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-404-сонли қарорига асосан, инвестиция дастури доирасида жами 126 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа-смета ҳужжатлари қиймати 803,140 млрд сўмни ташкил этган бўлса, экспертиза кўригидан сўнг тавсия этилган қиймат 682,140 млрд сўм этиб белгиланди. Натижада, 120,999 млрд сўм маблағ иқтисод қилинди.

Қолаверса, 2024 йилги "Ташаббусли бюджет" дастурининг 1- ва 2-мавсуми доирасида бошқармага тақдим қилинган жами 164 та объектнинг қиймати 321,630 млрд сўмни ташкил этган. Экспертиза кўригидан сўнг тавсия этилган маблағ 313,123 млрд сўм бўлиб, бу жараёнда 8,506 млрд сўм маблағни иқтисод қилишга эришдик. Булардан ташқари, бошқа дастурлар доирасида ҳамда хусусий инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг 930 та лойиҳасига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилган бўлиб, бундан 209,888 млрд сўм маблағ тежаб қолинди.

Бу жараёнда муассасамизда ишчи-ходимлар учун яратилган шароитлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, уларни керакли шарт-шароит ва техника воситалари билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Қолаверса, бошқармада фаолият юритаётган барча соҳа ходимлари белгиланган тартибда малака ошириб, сертификатга эга бўлишди. Бу ҳам ўз навбатида, лойиҳа-смета ҳужжатларини янада мукаммал ишлаб чиқишда асқатмоқда.

Жорий йилда ҳам янада катта куч ва ғайрат билан меҳнат қилиб, фаолиятимиз орқали соҳада шаффофликни таъминлашда давом этамиз.

# Катта марралар ҳали олдинда



**Ғуломжон ИБРАИМОВ,** Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи.

**Қўнғирот туманида ўтган 2024 йилда республика бюджети ҳисобидан 86 объектда 337,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган эди. Бугунги кунда 72 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ ниҳоясига етган бўлиб, 14 та объектда бунёдкорлик ишлари якунланиш арафасида.**

Шу жумладан, 44,069 километр ичимлик суви тармоқлари янгидан тортилиб, оқова сув тармоқларининг 9,825 километр қисми ва 5 дона канализация насос станциялари реконструкция қилинди. 2,5 километр табиий газ тармоқлари таъмирланиб, 21,14 километр электр тармоқлари, 5 дона трансформатор пункти ва 370 дона электр устуни янгитдан ўрнатилди. Аҳолига қулайлик яратиш борасида маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни таъмирлаш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, 5,5 километр йўлларга асфальт қопламаси ётқизилиб, 183,7 километр ички йўлларнинг 111,5 километр қисмига қум-шағал аралашмаси тўшалди ҳамда қолган қисмида ҳам таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Булардан ташқари, ҳозирда туманимизда "Ташаббусли бюджет" дастурининг 2024 йилги 2-босқичида ғолиб бўлган 5 та лойиҳа бўйича ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб боriляпти. Бу жараёнда ижтимоий соҳа объектларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Якунланган йилда 7 та мактаб, 6 та мактаб ҳудудида универсал спорт майдончаси, 3 та тиббиёт бирлашмаси ҳамда 1 та спорт мактабида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, 3 та маҳалла маркази биноси ҳам янгитдан қурилиб, 4 та маҳалла биноси таъмирланди.

Ортда қолган йилда аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш масаласига ҳам катта аҳамият қаратилди. Бу бўйича 15 та 5 қаватли 438 квартирали уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги йил байрами арафасида юзлаб юртдошларимиз янги уйларга кўчиб киришди. Шунингдек, халқаро аҳамиятга эга А-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 240 километр қисмида цемент-бетон қопламали йўлларнинг фойдаланишга топширилгани ҳам ўтган йилнинг энг яхши янгилиги бўлди. Қолаверса, замонавий типда қурилган "Қўнғирот темирйўл вокзали" биноси ҳам кенг жамоатчилик иштирокида фойдаланишга топширилди.

Ушбу йилда ҳам режалар бисёр. Манзилли дастурлар асосида 19 объектда 224,3 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши мўлжалланган. Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 1 та объектда 27,6 млн АҚШ долларилик қурилиш ишлари амалга оширилади. Шу қаторда, жами нархи 134,3 млрд сўм бўлган 3 та объект – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги биринчи зоналик мувофиқлаштириш маркази, Ички ишлар бўлими биноси ҳамда "Довуд ота" чегара божхона пости фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, туманимиздаги 22 та маҳаллада 27,6 млн АҚШ доллари маблағи эвазига 246,1 километр ичимлик сув тармоқларини янгитдан қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари бўйича тендер савдолари ўтказилмоқда. Давлат дастури асосида жорий йилда 7 та объектда 37,3 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Улар қаторида мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари бинолари, спорт заллари, тиббиёт масканлари ўрин олган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 сентябрдаги 500-сонли қарорига мувофиқ, 2025 йилда 9,5 млрд сўм бўлган 43 километрлик тупроқ қопламали ички йўлларни қум-тош аралашмали йўлларга ўтказиш белгиланган. 43,1 млрд сўм маблағ эвазига эса 8 та кўп қаватли 148 квартирали уй-жойлар қуриш режалаштирилган.

# САМАРҚАНДДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР

## одамларнинг ойдин келажакка ишончини оширмоқда



**Сайфиддин НАРЗИҚУЛОВ,**
Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят бош архитектори.

**Самарқандда урбанизация жараёнларини жадаллаштириш ва миллионлик шаҳарга айлантириш бўйича амалий ишлар аллақачон бошланган. Мамлакатимиз Президентининг “Самарқанд вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўрсатиб берилди.**

Айни пайтда ишчи гуруҳи ташаббуси билан Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари ҳудудини кенгайтириш, замонавий турар жойлар барпо этиш, массивлар ташкил этиш таклифлари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, бошқа туманларда ҳам кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида катта режаларни амалга оширишга киришилган.

Шаҳарлардаги кўпгина кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларида темир панжаралар ўрнатилиши таниш манзарага айланиб қолганди. Кейинги пайтларда бундай ҳолатларга одамлар эътибор ҳам бермай қўйишганди. Бу каби ишларни одатда баъзи тадбиркорлар ёки уйларнинг биринчи қаватида яшайдиган хонадон эгалари амалга оширишарди. Аммо бу амалдаги қоидаларга зид эди. Айни пайтда эса жойлардаги айнан шундай ноқонуний равишда темир панжаралар билан ўраб олишларга чек қўйила бошланди. Масалан, Самарқанд шаҳрининг Гагарин кўчасидаги 153-“А” уй атрофида айрим тадбиркорларнинг ўзбошимчалиги билан амалга оширилган шундай ҳолат кузатилди. Ёнғин қоидаларига зид равишда ўзбошимчалик билан темир панжаралар ўрнатилган ҳудуд мутасадди ташкилотларнинг эътиборидан четда қолмади. Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ва БСК ходимлари бу ҳолатни бартараф этишди.

Шунингдек, Ургут туманида ҳам бунёдкорлик борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Жумладан, Чорчинор тоғли ҳудудида қиймати 25 миллион долларга тенг замонавий дор йўли ва туризм мажмуаси барпо этилиши режалаштирилган. “Янги Ўзбекистон” массивида эса туманнинг янги маъмурий маркази қурилади. Тадбиркорлар томонидан Дарғом каналида 10 та ГЭС барпо этиш режаси ишлаб чиқилган. Тумандаги “Янги Ўзбекистон” массивида 2022-2026 йилларда 39,2 гектар майдонда 58 та кўп қаватли уй-жой қуриш режалаштирилган. Ўтган йили 2 та беш қаватли ва ўнта тўққиз қаватли 570 хонадонли уй-жой бунёд этилди. Жорий йилда 1037 хонадонли 17 та уй қад ростлайди.



**"ШИРИН" шаҳарчаси лойиҳаси**

Ҳозирда 16 қаватли турар жой биносида қурилиш-монтаж ишлари якунланмоқда. Шу билан бирга, кейинги икки йилда 23 та уй қурилиши кўзда тутилган. 2 та мактаб, 4 та МТТ давлат ва хусусий поликлиника барпо этилади. Савдо ва маиший хизмат объектлари қурилиши учун жой ажратилган. Коммуникация тармоқлари марказлашган қозонхона қурилди. Энергия тежамкор жиҳозлар – қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

Булардан ташқари, вилоятда транспорт тизимини яхшилаш борасида ҳам йирик лойиҳалар ишга тушириляпти. Хусусан, “Самарқанд – Бухоро” тезюрар пуллик автомобиль йўли қурилишига Туркиянинг йирик компанияси жалб этиляпти. Бу компания 55 йиллик тажрибага эга бўлган йўлсозлари билан бутун дунёга машҳур. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда мўлжалдаги мақсадларга эришишда тизимли ва самарали фаолият олиб боришга келишиб олинган. “Тошкент – Самарқанд” пуллик автомобиль йўли ҳам 2024 – 2030 йилларда давлат хусусий шерикчилик асосида амалга оширилади.

Жорий йилда йиллик энергия йўқотишларини камида икки баравар камайтириш белгиланмоқда. Табиий газ масаласида ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланилади.

Самарқанд шаҳрининг меъморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун инвестиция жозибадорлигини ошириш, ҳудуднинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий безак, молиявий ва сайёҳлик инфратузилмаларини жадал ривожлантиришни таъминлаш ҳамда сервис хизматлари турлари ҳамда сифатини ошириш борасида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, эндиликда Самарқанд шаҳрига Самарқанд туманидан 170 гектар, Оқдарёдан 243 гектар ер майдони қўшилиб, шаҳар яна кенгайтирилади. Вазирлар Маҳкамасининг таклифига асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинган қарорда бу ҳақда таъкидланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан, Самарқанд вилояти ҳудудда 2023 – 2030 йилларда замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш дирекциясини ташкил этиш ишлари режалаштирилган. Шу мақсадда, 254 та кўп қаватли уй-жой, 19 та ишбилармонлик ва бизнес маркази, 50 та ижтимоий соҳа объекти, 89 та кўнгилочар ва савдо комплекси ҳамда тарихий шаҳарча барпо этилади. 112 километр ички йўл, пиёдалар, велосипед йўлаклари, 6 километр ер усти метро йўли, 2 та катта кўприк ҳамда 7,2 километр коммуникация учун тоннел, 180 километр канал ва кўплаб суғориш иншоотлари қурилади.

Буларнинг барчаси аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Яна шуни айтиш керакки, жорий йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасини ўтказишга ҳам ўзгачароқ ёндошиш кутиляпти. Бунинг учун амалдаги тартибга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, унга кўра, ҳар йили туман ва шаҳар бюджетидан аҳоли сонига қараб, 10 тадан кам бўлмаган, кўпи билан 30 та лойиҳа учун етарли маблағ ажратиш белгиланган.

2024 йилда “Ташаббусли бюджет”, “Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш”, “Менинг боғим” ва бошқа дастурлар бўйича келиб тушган 22,7 мингдан зиёд объектнинг лойиҳасига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилган. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ҳисобига 7, 779, 6 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди. Бу рақам 2023 йилда 5 триллион 959 миллиард 8 миллион сўмни ташкил этган эди. 2020 йилга нисбатан эса 3 триллион 386 миллиард 100 миллион сўм кўпдир.

Самарқанд вилоятида ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар 2025 йилда янада кучайтирилади. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025 – 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-454-қарори асосида вилоятда 167 та объектни барпо этиш, реконструкция ҳамда мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш ишлари бошланган бўлиб, уларнинг аксарияти бўйича тендер савдолари якунланган ва экспертиза хулосалари олинмоқда. Хусусан, 3 та объект учун ер ажратиш ишлари тўлиқ якунланган, 110 та объект учун архитектуравий режалаштириш топшириқлари тасдиқланган ҳамда 115 та объектда лойиҳачини аниқлаш бўйича тендер эълон қилиниб, лойиҳачи ташкилотлар аниқланган. Шунингдек, 106 та объектда экспертиза хулосалари топширилган, 11 тасининг хулосалари олинган. 2025 йил “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 20 мингта объектнинг лойиҳасини экспертизадан ўтказиш режалаштирилмоқда.

Хуллас, вилоятда бунёдкорлик борасида бажарилаётган ишлар янада кенг қулоч ёзиб, одамларнинг қалбига қувонч бағишламоқда, порлоқ келажакка бўлган ишончини оширмоқда десак, асло хато бўлмайди.



# ЯНГИҲАЁТ – пойтахтнинг энг гўзал туманларидан бири бўлади

**Ислом ХУШВАҚТОВ,** Янгиҳаёт тумани ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари.



**Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига биноан, Янгиҳаёт тумани ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Қурувчи ва тадбиркорларнинг ҳаракати билан ҳудуд мутлақо янги қиёфага кириб бормоқда. Хусусан, бўш ётган ерлар ҳисобига халқимизнинг турар жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кўп қаватли бинолар, мактаб ва болалар боғчалари, шифохона ва ижтимоий соҳа объектлари қурилиб, фойдаланишга топшириляпти.**

2024 йилда бу борадаги ишлар давом эттирилиб, Президентимизнинг 2024 йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-70-сонли фармонига мувофиқ, Янги Дархон маҳалласи ҳудудида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивида “Ekoplast elite servis”, “Abdulloh fayz invest” ва “New darhon city” каби пудрат ташкилотлари томонидан 10 та кўп квартирали, 16 қаватли 703 та хонадонга мўлжалланган уй-жойлар барпо этилди. Ўтган йили умумий ҳисобда 50 та 3 909 хонадондан иборат уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уйларнинг пастки қаватларида эса аҳолига хизмат кўрсатувчи турли маданий-маиший тармоқлар ишга туширилди.

Шунингдек, Республика руҳий касалликлар клиник шифохонасига қўшимча бино қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ишлари бажарилиб, Меҳригиё кўчасида сайёҳлар ҳамда халқимиз учун гастрономик сайилгоҳ ҳамда СЭС биноси қуриб битказилди. Бу, аввалги йилларга қараганда 35 фоиз кўп демакдир. Ижтимоий инфратузилма объектларида ҳам қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш орқали аҳолига кўплаб қулайликлар яратилди. Хусусан, ҳудуддаги ўндан ортиқ маҳаллада эскириб, муддатини ўтаб бўлган электр шитлари алмаштирилиб, ишлаб чиқариш корхоналаридаги кабеллар янгиланди. Газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳам янгиланиб, барча хонадонларга махсус мосламалар ўрнатилди.

Жорий йилнинг 23 январь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида кўп қаватли уйлар қуриш, уларни энергиятежамкор технологиялар билан таъминлаш ва жиҳозлаш масаласи иқтисодиётимиз ҳамда халқимиз фаровонлиги учун қанчалик муҳим экани таъкидлаб ўтилди. Бу жиҳатдан туманимиз ҳудудларида қурилаётган кўп қаватли уйларнинг лойиҳаларини худди шу талаб асосида яратишга 2023 йилдан киришган эдик. Бугунги кунда замонавий технологиялар амалда татбиқ қилингани туфайли йилига бир неча миллион куб газ, ичимлик суви ҳамда электр қуввати тежалмоқда. Энг муҳими, аҳолининг ўзи ҳам бундай қулайликлардан миннатдор.

Бугун амалга оширилаётган ҳар бир ишнинг аввалида тежамкорлик бош масала қилиб олингани, айниқса, қурилиш соҳасида банд бўлган қурилиш-пудрат ташкилотларига асқатмоқда. Ана шу қулайликлар ҳисобга олинган ҳолда, ўтган йил охирида 2025–2027 йилларда қуриб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган 22 536 та хонадондан иборат 278 та кўп қаватли турар жойлар барпо этилиши кўзда тутилган. Айни пайтда улардан аксариятининг лойиҳалари тайёр бўлиб, тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқиляпти. Қурилишга даъвогар бўлаётган пудрат ташкилотлари раҳбарларига эса видеоселекторда қўйилган талаблар батафсил тушунтирилиб, бу борада мутахассислар иштирокида ўқишлар ҳам ташкил этилмоқда. Тадбиркор ва қурувчилар билан ўтказилаётган учрашувларда қурилаётган объектда ишлатиладиган материалларнинг сифати, белгиланган муддатда топширилиши, кўп қаватли уйларнинг пастки қаватларини қай тартибда қуриш ва жиҳозлаш каби мавзулар батафсил тушунтириляпти.

Йилдан-йилга ўтувчи ва янги лойиҳаларда асосан бўш турган жойлардан самарали фойдаланган ҳолда қурилишларни амалга ошириш назарда тутилган. Жумладан, Тошкент маҳалласи ҳудудида 29 та 13 қаватли уй, 6 та болалар майдончаси, 6 та айвонча, 2 та футбол майдони, Гулшанобод маҳалласидаги 24 гектар ерда 94 та 16 қаватли уй, 13 254 та автомобилга мўлжалланган автотурарgоҳ, 3 қаватли мактабгача таълим ташкилоти ва 1 та 5 қаватли умумтаълим мактаби биноси, Хушнуд маҳалласида бўш турган 7,24 гектар майдонда 42 та кўп қаватли уй, шундан 14 таси 16 қаватли, 28 та 10 қаватли уй, 1 та мактаб ҳамда 2 та мактабгача таълим ташкилоти биноси қурилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Файзли маҳалласидаги 1,54 гектар майдонда 8 та 9 қаватли уй, 1 та болалар майдончаси, 1 та айвонча, Янги гулзор маҳалласи ҳудудида эса 105 та кўп қаватли уй, 2 та 5 қаватли 1 880 та сиғимга эга автотураргоҳ, 3 та 720 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 2 та 2 310 ўринли мактаб, 1 та 250 қатновли оилавий поликлиника биноси қурилиши белгиланган.

Таъкидлаш керакки, объектларнинг аксарияти йилдан-йилга ўтувчи бўлгани боис, уларнинг кўпи ҳозирда деярли тайёр ҳолга келган бўлса, яна бир қанчасида бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. 2025 йилга мўлжалланган қурилиш ишлари бўйича ҳам тайёргарликлар бошлаб юборилган. Инвестиция дастури доирасида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича туман ҳудудлари учун 155 миллиард 192 миллион сўм маблағ эвазига 10 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда мазкур объектларда қуриш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2025 йилнинг 4-6 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Баҳром Яқубов,** хизмат хоналари фарроши **Мухтабар Юсупова,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти Халқаро нормаларни уйғунлаштириш бошқармаси мутахассиси **Ибодшо Наимов,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассиси **Галина Мелихова,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа институти ДМ Смета ишлари бўлими бошлиғи **Барно Абдуллаева,**

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ ООРТР бош муҳандиси Асия Халимова, АСС-1 Ст.архитектори **Маргарита Цой,**

Фарғона вилоятидаги “Qo‘qon loyiha-qurilish” МЧЖ архитекторлари **Раҳмон Исроилов, Собиржон Исаков,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Илҳом Ражабов,** Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси **Беҳзод Муслимов,** Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хизматчиси **Дилбар Тиллаева,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бош ҳисобчиси **Исроил Кенжаев,**

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати бош мутахассиси **Улуғбек Ўринбоев,**

Хоразм вилояти Шовот тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Уй-жой хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Баҳодир Ходжабоев,**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Иссиқлик манбаи” ДУК Чирчиқ “Иссиқлик энергияси” ИЧК директор в.в.б. **Мирсалик Миртуллаев,**

Тошкент шаҳар “Veolia energy Tashkent” ХК МЧЖ бош муҳандиси **Қаҳрамон Нигматов,**

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги “Uchuvchilar quruvchi servis” БСК МЧЖ бош директори **Шерзод Каримов,** Учтепа туманидаги “Service station” БСК МЧЖ бош директори **Хуршид Сатторов,** Шайхонтоҳур туманидаги “Fahrli-kommunal-servis” БСК МЧЖ бош директори **Абдимурод Сафаров,**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй бевосита жойлар мулкдорлари томонидан бошқариладиган уй бошқарувчиси **Максим Черников**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (861) 2025 йил 4 февраль

# ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**
**Сектор:** Сельское развитие
**Закупка работ**
**Номер контрактов:** SRDP-KHR-W-03 R
**Номер кредита:** UZB-1023
**Название проекта:** Устойчивое развитие сельской местности

1. Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта "Устойчивое развитие сельской местности" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующему контракту:

**SRDP-KHR-W-03 R** – строительство ДОУ в МСГ "Узумзор" Багатского района Хорезмской области.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в "Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР", опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18–21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет 1 250 000 сум. Способ оплаты – банковский перевод на нижеуказанный счет.

| ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ: | |
|---|---|
| **Получатель:** | Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов |
| **Адрес и телефоны получателя:** | 100017, г. Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок. **Тел.:** (+998 71) 207-84-07. |
| **Банк получателя:** | Ташкент-й фил. АКБ "Ипотека-банк" МФО 00419 |
| **Р/с получателя в сумах:** | 2021 0000 7052 9450 7007 |
| **ИНН, ОКОНХ получателя:** | ИНН: 307 829 948 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде гарантийной декларации.

**Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:**

**Вниманию:** г-на Б. Эгамова, Директора ОГРП.

**Адрес:** Республика Узбекистан, 100017, город Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок.

**Телефон:** (99877) 363-37-35.

**Электронная почта:** f.abdullayev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **12.00 (по ташкентскому времени) 28 февраля 2025 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Вскрытие пакетов состоится в 15.00 (по ташкентскому времени) 28 февраля 2025 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (4-этаж) по адресу:** г. Ташкент, ул. Ниёзий, 1.

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Савдога "LOMBARD SVETLANA-KREDIT" МЧЖнинг 2025 йил 31 январдаги 17-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 18 ноябрь ва 20 январдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 1420 | Серьги с бел. и зел. кам., 585 пр., о/в 4,47 гр.; кольцо с бел. и зел. кам., 585 пр., о/в 2,59 гр. | 2 781 399,99 |
| 2. | 1730 | Браслет с бел. и черн. кам., 585 пр., о/в 6,58 гр. | 2 285 333,33 |
| 3. | 1907 | Серьги, 585 пр., о/в 2,36 гр. | 1 409 236,66 |
| 4. | 2045 | Серьги, 585 пр., о/в 5,70 гр.; кольцо обруч., 585 пр., о/в 5,33 гр.; кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 2,30 гр. | 7 616 853,32 |
| 5. | 2092 | Кольцо с бел. кам. погн., 585 пр., о/в 2,26 гр.; кольцо погн., 585 пр., о/в 2,89 гр.; браслет, 585 пр., о/в 2,95 гр. | 4 923 597,87 |
| 6. | 2212 | Цепь спут., 585 пр., о/в 1,78 гр.; браслет, 585 пр., о/в 2,10 гр.; кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 2,18 гр. | 3 739 910,19 |
| 7. | 2292 | Браслет, 585 пр., о/в 11,87 гр. | 6 976 783,33 |
| 8. | 2418 | Кулон, 585 пр., о/в 2,60 гр.; серьги с крас. кам., 585 пр., о/в 3,46 гр.; серьги, 585 пр., о/в 2,51 гр. | 4 483 204,65 |
| 9. | 2539 | Кольцо брилл. 1,00 мм – 37 шт., 3,5 мм – 1 шт. погн., 750 пр., о/в 5,10 гр.; кольцо брилл. 1,00 мм – 1 шт. погн., 585 пр., о/в 2,50 гр. | 5 251 680,66 |
| 10. | 2552 | Кольцо разноц. кам., 585 пр., о/в 2,58 гр.; кольцо с зел. кам. погн., 585 пр., о/в 1,70 гр. | 2 472 706,06 |
| 11. | 2651 | Кольцо, 585 пр., о/в 3,95 гр.; кольцо, 585 пр., о/в 4,58 гр. | 6 033 016,66 |
| 12. | 2684 | Кольцо, 585 пр., о/в 3,95 гр.; цепь, 585 пр., о/в 3,08 гр. | 4 390 083,19 |
| 13. | 2701 | Цепь с кул., кул. не сним., 585 пр., о/в 1,77 гр.; кольцо бел. кам., 585 пр., о/в 2,15 гр.; цепь с кул. бел. кам., кул. не сним., 585 пр., о/в 1,46 гр. | 2 651 039,29 |
| 14. | 2898 | Кольцо брилл. 3,50 мм. – 1 шт., 750 пр., о/в 4,75 гр. | 2 335 833,33 |
| 15. | 2917 | Серьги с биркой, 585 пр., о/в 4,96 гр.; кольцо с биркой, 585 пр., о/в 3,05 гр. | 5 356 899,99 |
| 16. | 2993 | Браслет бел. кам., 585 пр., о/в 10,36 гр.; цепь, 875 пр., о/в 2,28 гр.; кулон, 875 пр., о/в 3,19 гр.; серьги с жемч. и брилл. 1,00 мм – 36 шт., 585 пр., о/в 10,29 гр. | 14 603 606,65 |
| 17. | 3080 | Серьги, 585 пр., о/в 2,79 гр. | 1 370 856,66 |
| 18. | 3140 | Серьги с бел. кам., 585 пр., о/в 2,88 гр. | 1 604 166,66 |
| 19. | 3196 | Перстень брилл. 1,00 мм – 4 шт., 585 пр., о/в 4,94 гр. | 3 426 633,33 |
| 20. | 3213 | Цепь, 585 пр., о/в 3,85 гр.; браслет, 585 пр., о/в 5,01 гр.; кольцо с бел. кам., 9 кам. нет, 585 пр., о/в 2,81 гр.; кольцо, 585 пр., о/в 4,36 гр.; кольцо, 585 пр., о/в 4,56 гр. | 13 094 429,70 |
| 21. | 3214 | Браслет, 585 пр., о/в 11,55 гр.; браслет с бел. кам. пр., зв. погн., с деф., 585 пр., о/в 7,60 гр. | 11 436 516,66 |
| 22. | 3260 | Браслет с деф., 585 пр., о/в 2,63 гр. | 1 772 253,33 |
| 23. | 3262 | Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 1,88 гр. | 1 351 083,33 |
| 24. | 3295 | Цепь, 585 пр., о/в 2,14 гр.; кулон с кр. эмал., стекл. и с бел. кам., 585 пр., о/в 2,36 гр.; серьги с кр. эмал., стекл. и бел. кам., 585 пр., о/в 6,56 гр.; кольцо с кр. эмал., стекл. и бел. кам., 585 пр., о/в 3,55 гр. | 8 802 166,65 |
| 25. | 3381 | Цепь, 585 пр., о/в 11,85 гр. | 7 486 833,33 |
| 26. | 3402 | Цепь, 585 пр., о/в 7,93 гр.; серьги с бел. кам., 585 пр., о/в 3,96 гр.; кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 1,51 гр. | 8 978 333,32 |
| 27. | 3439 | Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 1,86 гр. | 972 333,33 |
| 28. | 3482 | Серьги с бел. кам., 585 пр., о/в 1,68 гр. | 1 149 666,66 |
| 29. | 3552 | Цепь погн., 585 пр., о/в 4,67 гр.; кулон бел. кам., 585 пр., о/в 1,72 гр. | 4 937 166,66 |
| 30. | 3607 | Кольцо, 585 пр., о/в 2,94 гр. | 2 335 833,33 |
| 31. | 3608 | Кольцо погн., 500 пр., о/в 1,49 гр. | 1 017 783,33 |
| 32. | 3643 | Кольцо паян., 585 пр., о/в 2,50 гр. | 1 972 233,33 |
| 33. | 3665 | Браслет, 585 пр., о/в 2,66 гр.; серьги с бел. кам., 585 пр., о/в 1,80 гр.; кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 3,12 гр.; кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 2,57 гр. | 7 135 666,65 |
| 34. | 3355 | Кольцо бел. кам., 585 пр., о/в 2,45 гр. | 1 476 424,33 |
| 35. | 3423 | Серьги с бел. кам., 585 пр., о/в 2,44 гр. | 1 096 613,38 |
| 36. | 3506 | Кольцо с бел. кам., 2-х кам. нет, 585 пр., о/в 5,26 гр.; кольцо погн., 585 пр., о/в 3,12. | 4 825 824,26 |
| 37. | 3710 | Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 2,30 гр. | 1 558 638,33 |
| 38. | 3929 | Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 2,11 гр. | 1 426 833,33 |
| 39. | 3939 | Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 1,68 гр.; кольцо с разноцв. кам., 585 пр., о/в 2,19 гр.; серьги с разноцв. кам., 585 пр., о/в 4,07 гр.; серьги с крас. кам., 585 пр., о/в 5,64 гр.; серьги слом. фрагм. нет, 585 пр., о/в 4,43 гр.; серьги, 585 пр., о/в 2,68 гр. | 13 658 132,80 |
| 40. | 3985 | Кольцо погн., 585 пр., о/в 2,26 гр. | 1 582 777,33 |
| 41. | 4004 | Цепь погн., соед. кольца нет, 585 пр., о/в 11,77 гр. | 7 789 833,33 |
| 42. | 4036 | Кольцо с жемч., 585 пр., о/в 2,34 гр. | 1 548 033,33 |
| 43. | 4061 | Серьги с бирюз. кам. 1 сер. слом., 585 пр., о/в 6,89 гр.; кольцо погн., 585 пр., о/в 5,27 | 7 134 499,99 |
| 44. | 4108 | кольцо с бел. кам. погн., 585 пр., о/в 2,59 гр. | 1 871 233,33 |
| 45. | 4129 | Кольцо, 585 пр., о/в 4,05 гр. | 2 729 733,33 |
| 46. | 4181 | Серьги с бел. кам. ушки шат., 585 пр., о/в 4,98 гр. | 3 364 596,66 |
| 47. | 4238 | Кольцо с бел. кам. погн., 585 пр., о/в 2,64 гр.; серьги с бел. кам., 585 пр., о/в 4,74 гр. | 4 311 880,26 |
| 48. | 4340 | Серьги, 585 пр., о/в 3,16 гр. | 2 513 166,66 |
| 49. | 4375 | Кольцо с бел. и роз. кам., 585 пр., о/в 4,57 гр. | 3 184 233,33 |
| 50. | 4420 | Кольцо, 585 пр., о/в 2,34 гр. | 1 729 833,33 |
| 51. | 4462 | Серьги уш. деф., 585/500 пр., о/в 3,84 гр. | 3 028 266,66 |
| 52. | 4544 | Серьги, 585 пр., о/в 4,22 гр. | 3 452 466,66 |
| 53. | 4613 | Кольцо с бел. кам. погн., 585 пр., о/в 2,18 гр. | 1 760 133,33 |
| 54. | 4689 | Серьги бел. кам., 585 пр., о/в 3,93 гр.; кольцо, 585 пр., о/в 2,84 гр. | 4 665 049,99 |
| 55. | 4690 | Цепь, 585 пр., о/в 7,48 гр.; кольцо с бел. кам. погн., 585 пр., о/в 3,67 гр.; серьги с бел. кам. погн., 585 пр., о/в 7,08 гр.; цепь погн., 585 пр., о/в 8,58 гр. | 20 326 956,48 |
| 56. | 4737 | Серьги бел. кам., 585 пр., о/в 4,76 гр. | 2 814 348,66 |
| 57. | 4771 | Серьги с брилл. 1.00 мм – 14 шт., 585 пр., о/в 6,79 гр. | 5 482 566,66 |
| 58. | 4781 | Серьги, 585 пр., о/в 8,43 гр. | 6 149 166,66 |
| 59. | 4848 | Серьги бел. кам., 585 пр., о/в 3,65 гр. | 2 119 266,66 |
| 60. | 4858 | Кольцо обруч., 585 пр., о/в 4,76 гр.; цепь зам. слом., 585 пр., о/в 8,44 гр. | 9 936 666,66 |
| 61. | 4875 | Цепь с кул., спутан., кам. нет, кул. не сним., 585 пр., о/в 1,99 гр. | 1 638 933,33 |
| 62. | 4890 | Кольцо, 585 пр., о/в 1,83 гр. | 1 517 733,33 |
| 63. | 5023 | Серьги, 585 пр., о/в 3,60 гр. | 2 952 516,66 |
| 64. | 5181 | Колье спутан. 750 пр., о/в 2,78 гр.; серьги бел. и роз. кам., 585 пр., о/в 1,27 гр. | 3 660 099,99 |
| 65. | 5236 | Серьги с бел. кам., 585 пр., о/в 6,04 гр.; кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 4,44 гр. | 8 295 999,99 |
| 66. | 5316 | Серьги с бел. кам. погн., 585 пр., о/в 4,73 гр. | 3 725 166,66 |
| 67. | 5412 | Кольцо с бел. кам., 585 пр., о/в 3,59 гр.; кольцо, 585 пр., о/в 3,01 гр. | 3 119 166,66 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **302 601 933,78** |

Аукцион савдолар **2025 йил 6 март куни** соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2025 йил 4 март куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2025 йил 6 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 20 март ва 15 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ "Давр-банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 241.
2022 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир –**
Р. Хўжаева.
**Навбатчи –**
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 22.25.
Топширилди – 23.00.

1 2 3 4 5 6